

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАЕВ БОБИР ТЕМИРПУЛОТОВИЧ

**АЛКОГОЛГА ҚАРАМЛИКДА ЭКЗОГЕН ОМИЛЛАР САБАБЛИ
РИВОЖЛАНГАН КОГНИТИВ БУЗИЛИШЛАРНИ ТАШХИСЛАШ ВА
РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(COVID-19 пандемияси мисолида)**

**14.00.12-Тиббий реабилитология
14.00.18-Психиатрия ва наркологи**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тураев Бобир Темирпулотович

Алкоголга қарамликда экзоген омиллар сабабли ривожланган когнитив бузилишларни ташхислаш ва реабилитациясини такомиллаштириш (COVID-19 пандемияси мисолида) 3

Тураев Бобир Темирпулотович

Совершенствование методов диагностики и реабилитации когнитивных нарушений, обусловленных экзогенными факторами при алкогольной зависимости (на примере пандемии COVID-19)..... 23

Turaev Bobir Temirpulotovich

Improvement of Diagnostic and Rehabilitation Methods for Cognitive Impairments Caused by Exogenous Factors in Alcohol Dependence (Based on the Example of the COVID-19 Pandemic)..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 48

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАЕВ БОБИР ТЕМИРПУЛОТОВИЧ

**АЛКОГОЛГА ҚАРАМЛИКДА ЭКЗОГЕН ОМИЛЛАР САБАБЛИ
РИВОЖЛАНГАН КОГНИТИВ БУЗИЛИШЛАРНИ ТАШХИСЛАШ ВА
РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(COVID-19 пандемияси мисолида)**

**14.00.12-Тиббий реабилитология
14.00.18-Психиатрия ва наркологи**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.1.PhD/Tib2277 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Хамидов Обид Абдурахманович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Султонов Шохрух Хабибуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Магзумова Шахноза Шахзадэевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мамараджабов Собиржон Эргашович
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги
Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт хузуридаги DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил « 23 » Июль куни соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18. Тел.: (+99866) 233-30-34; e-mail: sammu@sammu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 2418 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100400, Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси 18-уй. Тел./факс: Тел./факс (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2025 йил « 11 » Июль куни тарқатилди.
(2025 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.А. Ярмухамедова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Ж.А. Исмаилов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

А.Ш. Шодиев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Алкоголга қарамлик бугунги кунда жаҳон миқёсидаги глобал муаммолардан бири ҳисобланади. Алкоголга қарамлик муаммоси нафақат соғлиқни сақлаш соҳаси, балки ижтимоий ҳамда иқтисодий соҳаларнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) 2024 йил 25 июндаги маълумотларига кўра, ҳар йили алкоголь ва психоактив моддаларни истеъмол қилиш 3 миллиондан ортиқ инсоннинг ҳаётига зомин бўлмоқда, уларнинг аксарият қисмини эркеклар ташкил этади. Ҳар йили алкоголь маҳсулотлари суиистеъмоли 2,6 миллион ўлим ҳолатига (бу йил давомида рўй берадиган барча ўлимларнинг 4,7 фоизини ташкил этади), психоактив моддаларни истеъмол қилиш эса яна 0,6 миллион ўлимга сабаб бўлади. Алкоголга тобелик мавжуд бўлган беморлар, соғлом одамларга қараганда 15-18 йил камроқ умр кўришади...»¹.

ЖССТ Бош директори доктор Тедрос Адханом Гебрейесус фикрига кўра: “Психоактив моддаларни истеъмол қилиш инсон саломатлигига жиддий зарар етказди, сурункали касалликлар ва руҳий бузилишлар хавфини оширади ҳамда ҳар йили миллионлаб олдини олиш мумкин бўлган фожиали ўлим ҳолатларига сабаб бўлади. Бу оилалар ва жамият учун оғир юк бўлиб, бахтсиз ҳодисалар, жароҳатлар ва зўравонлик эҳтимолини оширади”.

Ўзбекистонда наркологик касалликларга чалинган беморларнинг 85 фоиздан ортиғига алкогольга қарамлик билан касалланган беморлар ташкил этади. Алкогол қарамликдан азият чекаётган шахсларни даволаш ва реабилитация қилиш учун босқичма-босқич, комплекс ва индивидуал ёндашувларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабридаги 4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади. Бугунги кунда соғлом жамият барпо этиш учун алкоголь маҳсулотлари суиистеъмолининг соғлиқ ва жамиятга салбий таъсирини камайтириш ҳамда наркологик касалликларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация усулларининг самарали ҳамда иқтисодий жиҳатдан мақбул усулларини ишлаб чиқишимиз лозим. Алкогол маҳсулотларини доимий равишда суиистеъмолининг қилувчи инсонларда когнитив функциялар, хусусан, хотира, диққат, қарор қабул қилиш қобилияти ва интеллектуал фаолият сезиларли даражада пасаяди. Шу билан бирга, экологик ва ижтимоий омиллар, пандемиялар каби глобал фавқулодда ҳолатлар бу жараённи янада чуқурлаштириши мумкин.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикасининг 2023-йил 24-майдаги ЎРҚ-844-сонли “Алкогол ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги Қонунига

¹ ЖССТ нинг алкоголь ва психоактив моддаларни суиистеъмоли ҳақидаги маълумотлари// 25 июн, 2024 (<https://www.who.int/ru/news/item/25-06-2024-over-3-million-annual-deaths-due-to-alcohol-and-drug-use-majority-among-men>)

асосан, алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсири профилактикаси, шунингдек, алкогольга қарамлик диагностикаси ҳамда уни даволаш соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантириш асосида амалга оширилган...»². Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 19-июндаги “Аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Алкоголга қарамликда юзага келадиган когнитив бузилишлар замонавий невропсихиатрия ва наркологияда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда ушбу муаммони ўрганишда невробиологик, психосоциал ва нутритив омилларнинг роли кенг тадқиқ қилинмоқда. Айниқса, экзоген омиллар - яъни ташқи муҳит, ижтимоий ва нутритив (витами́нлар танқислиги, айниқса тиамин), стресс, руҳий босим сингари таъсирларнинг когнитив функциялар бузилишидаги ўрни кўплаб илмий ишларнинг марказида бўлган.

Алкоголга қарамликда фронтал кортекс ва лимбик тизимда юзага келадиган структуравий ўзгаришлар, уларнинг когнитив функциялар - эслаб қолиш, диққат, хотира бузилишлари билан боғлиқлигини аниқлаган (Oscar-Berman & Marinković, 2011; Sullivan et al., 2014). Алкоголга боғлиқ деменция, Вернике-Корсаков синдроми ва уларнинг реабилитацияси, айниқса невропсихологик ёндашувлар асосида кенг ўрганишлар амалга оширилган (Harper, 2016; Ridley et al., 2019). B1 (тиамин) витамини танқислигининг нейродегенератив жараёнларга таъсири, шунингдек, нейроинфламатор механизмларнинг роли илмий асосда кўрсатиб берилган (Вторушина Ю. С., Власова Е. Н., Митрухина С. В., 2022).

Психофаол моддаларга қарамликни даволашга тизимли ёндашув асосида Ўзбекистонда жорий этилган реабилитация модели ишлаб чиқилган ва унинг самарадорлиги стационар ҳамда диспансер шароитида тиббий-ижтимоий реабилитация дастурида беморларнинг тикланиш жараёни орқали ўрганилган (Турсунходжаева Л. А., Баймирова Л. Т. 2023).

Сурункали алкоголизмда иммуногормонал омиллар ва клиник-патогенетик механизмлар ўртасидаги корреляция ўрганилган бўлиб, иммуногормонал кўрсаткичлар сурункали алкоголизм босқичининг қўшимча диагностик ва реабилитацион мезони сифатида ишлатилган (Имамов Ш. А., Алимов У. Х., Имамов А. 2023).

Алкоголга қарамликка чалинган беморларда эмоционал-шахсият ва когнитив бузилишларни ўрганиш ҳамда уларнинг гендер хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда психокоррекция амалга оширилган. Бунинг учун алкогольга қарамликка чалинган беморларнинг шахсий хусусиятлари, жинсига

² Ўзбекистон Республикаси 2023-йил 24-майдаги ЎРҚ-844-сонли “Алкогол ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”

қараб улар учун хос бўлган эмоционал-шахсият хусусиятлари, алкогольга қарамликда когнитив функцияларнинг гендерга боғлиқлиги, алкогольга қарамликнинг шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар ҳисобга олинган ҳолда беморларни комплекс реабилитация қилиш жараёнида психопрофилактик таъсир кўрсатиш алгоритми ишлаб чиқилган (Ашуров З. Ш., Ким Д. П. 2022).

Ўзбекистон ва Марказий Осиё ҳудудида алкогольга қарамлик билан боғлиқ когнитив бузилишлар бўйича алоҳида фундаментал тадқиқотлар кам бўлса-да, руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказларида илмий изланишларда ушбу муаммога доир айрим аспектилар кўриб чиқилган. Бироқ, экзоген омиллар роли, уларнинг алоҳида диагностик ва клиник аҳамияти, реабилитациянинг ижтимоий ва индивидуал йўналишларини такомиллаштириш масалалари ҳали етарли даражада ёритилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаларига мослиги.

Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 012400288-сонли “Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инфекция ва ноинфекцион этиологияли касалликларни олдини олиш, диагностика ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш” илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Алкоголга қарамликда экзоген омиллар, хусусан, COVID-19 пандемияси таъсирида ривожланган когнитив бузилишларни, коронавирус инфекциясини ўтказган ва ўтказмаган беморларда диагностика ва реабилитация қилиш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 пандемияси даврида коронавирус инфекциясини ўтказган ва ўтказмаганларда, алкогольга қарамлик билан боғлиқ когнитив бузилишларнинг шаклланиши ва кечишига таъсир кўрсатувчи психоген, биологик ва ижтимоий омилларни аниқлаш;

COVID-19 пандемияси даврида, коронавирус инфекциясини ўтказган ва ўтказмаганларда, алкогольга қарамлик билан кечувчи когнитив, хавотирли ва депрессив бузилишларнинг клиник-психопатологик ва нейropsихологик хусусиятларини, шунингдек, жигар фаолиятининг биокимёвий ва инструментал текширув натижаларини аниқлаш ҳамда улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш;

алкоголга қарамликда экзоген омиллар таъсирида шаклланган когнитив бузилишларни аниқлаш ва реабилитация қилиш бўйича комплекс ёндашув асосида таъхис ва реабилитация алгоритминини такомиллаштириш;

алкоголга қарамликда экзоген омиллар таъсирида шаклланган когнитив бузилишларни реабилитацияси учун такомиллаштирилган алгоритмнинг самарадорлигини илмий асосда баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқот 2020-2024 йилларда Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг наркологиya хизмати бўйича Самарқанд вилояти филиали шифохонаси базасида ўтказилган. Тадқиқот объекти сифатида (алкоголизм) нинг 2-босқичи билан даволанувчи 140 нафар бемор танлаб олинган.

Тадқиқот предмети сифатида анамнестик, кузатув, клиник-психопатологик усуллар, когнитив функцияларни баҳолаш учун махсус тестлар ва биокимёвий таҳлил, статистик маълумотларни қайта ишлаш усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқотда MMSE (Mini-Mental State Examination) тести, Тести (MoCA), California Verbal Learning Test (CVLT), Visual Reproduction Test (WMS) усуллари, Шулте жадваларидан (Trail Making Test (TMT) – А қисми), “Ортиқчасини чиқариб ташлаш” методикаси Спилбергер-Ханин сўровномаси, Бек шкаласи, қон биокимёвий таҳлили ва жигар ультратовуш (УТТ) текширувларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор алкогольга қарамлик мавжуд бўлган беморларда COVID-19 инфекциясини ўтказгандан кейинги даврда психоген, биологик ва ижтимоий омиллар таъсирида когнитив функциялар бузилишининг кучайиши билан намоён бўлиши аниқланган;

илк бор COVID-19 инфекциясини ўтказган ва алкогольга қарамликка чалинган беморларда когнитив бузилишлар билан бирга, психосоматик ўзгаришлар, хавотирли бузилишлар (21,7%), депрессив бузилишлар (18,5%), жигар шикастланиши (15,9%) ҳолатларда таъсири намоён бўлиши аниқланган;

илк бор COVID-19 инфекциясини ўтказган, алкогольга қарамлик мавжуд бўлган беморларда экзоген омиллар таъсирида шаклланган когнитив бузилишларни бартараф этишда қаратилган комплекс ёндашувлар асосида реабилитация усули такомиллаштирилган;

алкоголга қарамлик билан боғлиқ когнитив бузилишларда экзоген омилларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган реабилитация дастурини қўллаш орқали беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланиши, когнитив функциялар кўрсаткичларидан қисқа муддатли хотира ва диққат бузилиши 44,3% га яхшиланиши, шунингдек, хавотирли бузилишлар 18,6%, депрессив бузилишлар эса 12,3% га камайганлиги клиник жиҳатдан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

алкоголизм ва экзоген омиллар (COVID-19 пандемияси мисолида) таъсирида ривожланувчи когнитив бузилишларни аниқлаш учун клиник-психопатологик, психодиагностик ва инструментал текширувлардан иборат комплекс ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган;

алкоголга қарамликда экзоген омиллар, хусусан, COVID-19 пандемияси таъсирида ривожланган когнитив бузилишларни, коронавирус инфекциясини ўтказган ва ўтказмаган беморларда клиник белгиларини ўзаро боғлиқлиги исботлаб берилган;

алкоголга қарамликда ривожланувчи когнитив бузилишлар диагностикаси ва реабилитация усуллари такомиллаштириш натижасида Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказлари учун такомиллаштирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

алкоголга қарамликда экзоген омиллар таъсирида шаклланган когнитив бузилишларни реабилитацияси учун такомиллаштирилган алгоритмдан фойдаланиб беморларнинг “жисмоний фаолият” ва “руҳий саломатлик”

параметрларида ҳаёт сифатининг янада юқори даражасига эришишга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда замонавий тадқиқот усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, ўрганилган материал сонининг етарлилиги, клиник, клиник-типологик, клиник-психопатологик, инструментал-лаборатор, график ва статистик таҳлил усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек психометрик шкалаларни қўллаш маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, барча маълумотлар натижалари замонавий компютер технологиясини қўллаб статистик ишлов берилганлиги, чиқарилган хулоса, ҳамда уларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Алкоголизм, экзоген омиллар ва когнитив бузилишлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик илмий жиҳатдан аниқлаштирилди. Когнитив бузилишларнинг экзоген омиллар таъсирида шаклланиш механизмлари чуқур ўрганилди. COVID-19 инфекциясини ўтказган беморларда алкоголизмнинг психоневрологик ва психопатологик оқибатлари илмий таҳлил қилинди. Пандемия ва ижтимоий омилларнинг таъсири тадқиқ қилиниб, COVID-19 пандемияси давридаги ижтимоий изоляция, стресс ва депрессиянинг алкогольга қарамлик ва когнитив бузилишларга таъсири илмий асосда ўрганилди. Реабилитация жараёнини индивидуаллаштириш учун янги диагностика усуллари жорий қилинди.

Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик маркази ва унинг филиалларида алкоголизм ва когнитив бузилишларга нисбатан самарали диагностика ва реабилитация методларини қўллаш тавсия қилинди. Даволаш жараёнида оилаларнинг иштирокини ошириш ва ижтимоий реабилитациянинг аҳамиятига эътибор қаратилди. Алкоголизм ва экзоген омиллар таъсирида ривожланувчи когнитив бузилишларни диагностикаси ва реабилитация самарадорлигини ошириш имкони берилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Алкоголга қарамликда экзоген омиллар сабабли ривожланган когнитив бузилишларни ташхислаш ва реабилитациясини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 13.11.2024 йилдаги № 08/58-сонли хулосаси):

биринчи илмий янгилик: илк бор алкогольга қарамлик мавжуд бўлган беморларда COVID-19 инфекциясини ўтказгандан кейинги даврда психоген, биологик ва ижтимоий омиллар таъсирида когнитив функциялар бузилишининг кучайиши билан намоён бўлиши аниқланганлиги Самарқанд давлат тиббиёт университети Илмий кенгашининг 2022 йил 2 ноябрда 3-сонида тасдиқланган “Алкоголизм билан касалланган беморларда COVID-19 пандемияси мисолида аффектив бузилишларни ташхислаш ва профилактик алгоритми” ва “COVID-19 пандемияси мисолида алкоголизмга мойил шахсларни ташхислашнинг янги усуллари” номли услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази наркология хизмати бўйича Самарқанд вилоят филиалида

02.12.2022 йилдаги 1-сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази наркология хизмати бўйича Жиззах вилоят филиалида 23.11.2022 йилдаги 356-сонли буйруғи асосида амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 13.11.2024 йилдаги № 08/58-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* алкоғолга қарам шахсларда коғнитив бузилишларга таъсир қилувчи турли омилларнинг ўзаро таъсирини аниқлаш, уларнинг роли ва аҳамиятини баҳолаш орқали комплекс таҳлил қилиш, коғнитив бузилишларга эрта ташхис қўйиш, уларга психоген, биологик ва ижтимоий омиллар таъсири ўрганиш орқали шахсий ҳамда ижтимоий мослашувни яхшилаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* алкоғолга қарамликда коғнитив функциялар бузилишига психоген, биологик ва ижтимоий омилларнинг таъсир даражаси ўрганиш орқали касалликнинг оғирлашув ҳолатларда олдини олиш имконини берди. Бу эса ўз навбатида ҳар бир бемор учун касалхонага қайта ётишлар сонини ва кунини учун кетадиган харажатларни камайтириш орқали сарфланадиган 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 3654750 сўмни иқтисод қилиш имконини беради. *Хулоса:* COVID-19 инфекциясини ўтказган беморларда алкоғолга қарамлик билан боғлиқ коғнитив бузилишларнинг ривожланиши ва кечишига психоген, биологик ва ижтимоий омиллар таъсир этиши асосланган.

Иккинчи илмий янгилик: илк бор COVID-19 инфекциясини ўтказган ва алкоғолга қарамликка чалинган беморларда коғнитив бузилишлар билан бирга, хавотирли бузилишлар (21,7%), депрессив бузилишлар (18,5%), жигар жигар тўқимасида патоморфологик ўзгаришлар (15,9%) юқори учраш частотаси билан намоён бўлиши аниқланганлиги Самарқанд давлат тиббиёт университети Илмий кенгашининг 2022 йил 2 ноябрда 3-сонда тасдиқланган “Алкоғолизм билан касалланган беморларда COVID-19 пандемияси мисолида аффектив бузилишларни ташхислаш ва профилактик алгоритми” ва “COVID-19 пандемияси мисолида алкоғолизмга мойил шахсларни ташхислашнинг янги усуллари” номли услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази наркология хизмати бўйича Самарқанд вилоят филиалида 02.12.2022 йилдаги 1-сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази наркология хизмати бўйича Жиззах вилоят филиалида 23.11.2022 йилдаги 356-сонли буйруғи асосида амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 13.11.2024 йилдаги № 08/58-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* COVID-19 инфекциясини ўтказган ва алкоғолга қарамлик мавжуд бўлган беморларда коғнитив ҳамда психосоматик бузилишларни эрта аниқлаш ва реабилитация қилиш орқали ижтимоий хавф-хатарлар камайдди, беморларнинг руҳий ҳолати мувозанатлаштирилди ҳамда меҳнатга лаёқатлилиқ сақлаб қолиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлик:* алкоғолга қарамликда коғнитив фуқсия бузилишларини эрта аниқлаш ва самарали реабилитация қилиш даволаниш муддатининг қисқаришига ва ногиронлик даражасининг пасайишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида ҳар бир бемор учун касалхонага қайта ётишлар сонини ва кунини учун кетадиган

харажатларни камайтириш орқали сарфланадиган иқтисодий харажатлардан 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 3654750 сўмни иқтисод қилиш имконини беради. *Хулоса:* COVID-19 инфекциясини ўтказган ва алкогольга қарамликка чалинган беморларда когнитив бузилишлар билан бирга, психосоматик ўзгаришлар, хавотирли-депрессив бузилишлар ҳамда жигар тўқимасидаги патоморфологик ўзгаришлар юқори даражада намоён бўлиши аниқланганлиги беморларда когнитив бузилишлар солиштирилди ва уларнинг ўзига хос клиник хусусиятлари аниқлаш имкони асосланган.

Учинчи илмий янгилик: илк бор COVID-19 инфекциясини ўтказган, алкогольга қарамлик мавжуд бўлган беморларда экзоген омиллар таъсирида шаклланган когнитив бузилишларни бартараф этишда қаратилган комплекс ёндашувлар асосида реабилитация усули такомиллаштирилганлиги Самарқанд давлат тиббиёт университети Илмий кенгашининг 2022 йил 2 ноябрда 3-сонда тасдиқланган “Алкоголизм билан касалланган беморларда COVID-19 пандемияси мисолида аффектив бузилишларни ташхислаш ва профилактик алгоритми” ва “COVID-19 пандемияси мисолида алкогольизмга мойил шахсларни ташхислашнинг янги усуллари” номли услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази наркология хизмати бўйича Самарқанд вилоят филиалида 02.12.2022 йилдаги 1-сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази наркология хизмати бўйича Жиззах вилоят филиалида 23.11.2022 йилдаги 356-сонли буйруғи асосида амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 13.11.2024 йилдаги № 08/58-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тақдим этилган такомиллаштирилган соғломлаштириш ва тиббий реабилитация усуллари кўллаш натижасида COVID-19 инфекциясини ўтказган, алкогольга қарамликка чалинган беморларда когнитив бузилишлар камайиши, психоэмоционал барқарорлик ошиши ва ижтимоий фаоллик тикланиши кузатилди. Беморларнинг ишга лаёқатлилиги, оила ва жамиятдаги ижтимоий ролини қайта тиклаши, шунингдек, реабилитациядан сўнгги адаптация жараёнининг енгил кечиши ушбу ёндашувнинг юқори ижтимоий самарадорликка эга бўлиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлик:* реабилитация жараёнини аниқ йўналтирилганлиги бу жараёнда кераксиз харажатларнинг қисқаришига ҳамда соғлиқни сақлаш тизими ресурсларидан самарали фойдаланишга олиб келди. Бу эса ўз навбатида ҳар бир бемор учун касалхонага қайта ётишлар сонини ва кунини учун кетадиган харажатларни камайтириш орқали сарфланадиган 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 3654750 сўмни иқтисод қилиш имконини беради. *Хулоса:* COVID-19 инфекциясини ўтказган ва алкогольга қарамликка чалинган беморларда экзоген омиллар таъсирида юзага келган когнитив бузилишларни бартараф этиш мақсадида комплекс соғломлаштириш ва тиббий реабилитация усуллари такомиллаштириш беморларда руҳий саломатликни тиклашни тезлаштириб, соғлом ижтимоий ва оилавий муҳитга қайтиш имкони асосланган.

Тўртинчи илмий янгилик: алкогольга қарамлик билан боғлиқ когнитив бузилишларда экзоген омилларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган реабилитация дастурини кўллаш орқали беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланиши,

когнитив функциялар кўрсаткичларидан қисқа муддатли хотира ва диққат бузилиши 44,3% га ишончли даражада яхшиланиши, шунингдек, хавотирли бузилишлар 18,6%, депрессив бузилишлар эса 12,3% га камайганлиги клиник жиҳатдан исботланганлиги Самарқанд давлат тиббиёт университети Илмий кенгашининг 2022 йил 2 ноябрда 3-сонда тасдиқланган “Алкоголизм билан касалланган беморларда COVID-19 пандемияси мисолида аффектив бузилишларни ташхислаш ва профилактик алгоритми” ва “COVID-19 пандемияси мисолида алкоголизмга мойил шахсларни ташхислашнинг янги усуллари” номли услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази наркология хизмати бўйича Самарқанд вилоят филиалида 02.12.2022 йилдаги 1-сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази наркология хизмати бўйича Жиззах вилоят филиалида 23.11.2022 йилдаги 356-сонли буйруғи асосида амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 13.11.2024 йилдаги № 08/58-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* такомиллаштирилган комплекс соғломлаштириш ва тиббий реабилитация усуллари қўллаш орқали алкогольга қарамлик ва экзоген омиллар таъсирида ривожланган когнитив бузилишлар билан оғриган беморларда жамиятга мослашув даражаси сезиларли даражада яхшилайди. Беморларнинг мулоқотга киришувчанлиги, меҳнат фаоллиги, оилавий муносабатлардаги барқарорликни қайта тиклашда ижобий ўзгаришлар кузатилди. *Иқтисодий самарадорлик:* Такимиллаштирилган реабилитация дастури асосида реабилитация муддатининг қисқариши ҳисобидан ва ногиронлик ҳолатлари сонини камайиши ҳисобидан харажатлар 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 3654750 сўмни иқтисод қилиш имконини беради. Шунингдек меҳнатга лаёқатлилиқнинг пайдо бўлиши ҳисобидан давлат бюджетига қўшимча даромад олиб келади ва умумий иқтисодий самарадорликни янада кучайтиради. *Хулоса:* Реабилитация жараёнини оптималлаштиришга қаратилган тавсиялар асосида беморларнинг психосоциал мослашуви ва руҳий барқарорлиги яхшилаш, турли асоратлари ривожланишини олдини олиш, касалхонага қайта ётишлар сонини ва кунини учун кетадиган харажатларни камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шулардан 10 та мақола илмий журналларда, жумладан 2 та услубий тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган 10 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги, тадқиқот мақсади ва вазифаларига асосланган бўлиб, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган натижалари илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Алкоголга қарамликда экзоген омиллар сабабли ривожланувчи когнитив бузилишлар ва уларнинг касаллик клиник кечишига таъсири (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобда мавзуга доир жаҳон ва маҳаллий илмий адабиётлар атрофлича таҳлил қилиниб, алкогольга қарамлик, экзоген омиллар ва уларнинг когнитив бузилишларга таъсири бўйича олиб борилган тадқиқотлар ўрганилади. Шунингдек, алкогольга қарамлик билан боғлиқ когнитив бузилишларнинг шаклланиши ва уларнинг клиник кечишига таъсир кўрсатувчи бир қатор омиллар чуқур таҳлил қилинди. Жумладан, психоген омиллар сифатида сурункали стресс, хавотир, депрессив ҳолатлар; биологик омиллар сифатида марказий асаб тизимидаги функционал ўзгаришлар, жигар фаолиятининг бузилиши, нейромедиатор тизимининг дисбаланси, ҳамда ижтимоий омиллар сифатида ижтимоий ажралганлик, ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг етишмаслиги, ишсизлик ва ҳаётий стрессли вазиятлар билан боғлиқ маълумотлар ўрганилди. Шу асосда мавжуд илмий ёндашувлар, статистик маълумотлар ва илгари сурилган назарий ҳамда амалий фикрлар чуқур таҳлил қилинади.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобда клиник материаллар, ишлатилган тадқиқот усуллари ҳақида маълумот келтирилган.

Тадқиқот иши 2020-2024 йиллар давомида, Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг наркология хизмати бўйича Самарқанд вилояти филиали стационари КХТ-10 мезонларига мувофиқ (F 10.2) алкогольга тобелик синдроми (алкоголизм) билан рўйхатда турувчи 140 нафар беморда олиб борилди. Ушбу беморларда COVID-19 пандемияси даврида алкогольга тобелик клиник синдромларини шаклланиши ва касалликнинг кечишининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилди. COVID-19 инфекцияси билан касалланиш маълумотларига кўра беморлар икки гуруҳга бўлинди.

Асосий гуруҳ алкогольга қарамлик мавжуд бўлган, COVID-19 пандемияси даврида COVID-19 инфекцияси билан касалланган ва ҳозирда алкогольга қарамлик синдроми билан даволанаётган 80 нафар беморни ташкил этди. Ушбу беморларда COVID-19 инфекцияси аниқланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.


Назорат гуруҳига алкогольга қарамлик мавжуд бўлган, COVID-19 пандемияси даврида COVID-19 инфекцияси билан касалланиш ҳолатлари

кузатилмаган, ҳозирда алкохолга тобелик синдроми билан даволанаётган 60 нафар бемор танлаб олинди.

Тадқиқот клиник психопатологик, клиник анамнестик ва экспериментал психологик тадқиқот усуллардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди. Кичик когнитив бузилишларни ва деменцияни баҳолаш учун - MMSE (Mini-Mental State Examination) тести, Вербал хотирани баҳолаш учун - Монреал Когнитив Баҳолаш Тести (MoCA), Қисқа ва узок муддатли хотирани баҳолаш учун - California Verbal Learning Test (CVLT), Визуал хотирани баҳолаш учун Visual Reproduction Test (WMS) усуллари, диққатни текшириш учун Шулте жадвалларидан (Trail Making Test (TMT) – А қисми), А.Р. Лурия томонидан ишлаб чиқилган фикрлашни таҳлил қилиш тести – “Ортиқчасини чиқариб ташлаш” методикаси ва беморларда хавотир даражасини баҳолаш учун Спилбергер-Ханин сўровномасидан, депрессив бузилиш тарқалиш учун Бек шкаласи, фойдаланилди. Тадқиқотда лаборатор ва инструментал текширувларда қон биокимёвий таҳлили текширилди ва инструментал текширувлардан ультратовуш текшируви (УТТ) беморларда ўтказилди.

Диссертациянинг «**Экзоген омил сифатида COVID-19 пандемиясининг алкохолга қарамликнинг клиник-динамик кўрсаткичларига таъсири ва унинг натижасида ривожланувчи когнитив бузилишлар**» деб номланган учинчи бобида алкохолга қарамликда COVID-19 пандемияси сабабли ривожланувчи когнитив бузилишларнинг сабаблари, клиник хусусиятлари, ижтимоий-психологик омиллар, текширувига оид натижалари келтирилган.

COVID-19 пандемиясининг алкоголизм касаллигининг динамик кўрсаткичларга таъсирини Самарқанд вилояти мисолида Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг наркология хизмати бўйича Самарқанд вилояти филиалида 2017-2024 йиллардаги кўрсаткичлар ўрганилганда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланган (1-расм).



1-расм. Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг наркология хизмати бўйича Самарқанд вилояти филиалида алкоголизм таъхиси билан диспансер назоратида турувчиларнинг 2017-2024 йиллардаги динамик ўзгариши.

Беморлар шифохонага ётқизилгандан кейинги даврда когнитив фуксия MMSE (Mini-Mental State Examination) тести орқали текширилганда куйидаги кўрсаткичлар аниқланди. Асосий гуруҳ беморларининг 33,75% да енгил когнитив бузилиш, 43,75% беморлар ўртача даражадаги когнитив бузилишлар ва 22,5% беморлар оғир когнитив бузилишлар аниқланди.

Назорат гуруҳи беморида 45,0% да енгил когнитив бузилиш, 33,3% да беморлар ўртача даражадаги когнитив бузилишлар ва 21,7% беморлар оғир даражадаги когнитив бузилишлар аниқланди ($p < 0,05$).

Алкоголга қарамликда экзоген омиллар сабабли ривожланувчи когнитив бузилишларни чуқурроқ ва нозикроқ баҳолаш учун яъни вербал хотира, диққат, абстракт фикрлаш ва бошқа функцияларни текшириш учун Монреал Когнитив Баҳолаш Тести (MoCA) дан фойдаландик ва куйидаги натижалар аниқланди.

Экзоген омил сифатида COVID-19 нафақат респиратор тизимга, балки марказий асаб тизимига ҳам бевосита ёки билвосита таъсир этиб, когнитив функциялар бузилишига сабаб бўлади. Бу ҳолат айниқса алкогольга қарамлик мавжуд бўлган беморларда кучлироқ намоён бўлади. Асосий гуруҳда 61,25% енгил когнитив бузилишлар қайд этилган. 27,5% беморларда эса ўртача даражадаги когнитив бузилиш аниқланган, бу алкогольга сурункали қарамлик, экзоген омиллар (COVID-19 инфекцияси, стресс, ижтимоий изоляция, кам овқатланиш, сурункали уйқусизлик) билан боғлиқ бўлиши мумкин. Фақат 11,25 % беморларда нормал даражадаги когнитив кўрсаткичлар аниқланган.

Назорат гуруҳида эса, 25% беморларда нормал когнитив функциялар қайд этилган. 53,3 % да енгил пасайишлар бўлган, 21,7% беморларда эса ўртача даражадаги когнитив бузилиш аниқланган.

California Verbal Learning Test вербал (оғзаки хотира) қисқа ва узок муддатли хотирани баҳолаш учун - беморларда ўтказилди. Асосий гуруҳда ёдлаб олиш ва кечиккан эслаш жараёнлари жиддий пасайганлиги аниқланди ($5,2 \pm 1,1$). Улар бирламчи рўйхатдан ўртача 5 сўзни ёдлаб олишган, бу эса эътибор ва қисқа муддатли вербал хотиранинг сустлигини кўрсатади. Узок муддатли хотира (20 дақиқалик кечиккан эслаш) кўрсаткичлари ҳам анча паст ($3,2 \pm 1,4$), бу эса вербал эсга тушириш механизмларининг бузилганини билдиради.

Назорат гуруҳида эса барча кўрсаткичлар асосий гуруҳга нисбатан анча яхши эканлиги аниқланди. Бирламчи рўйхатдан ўртача 7 сўзни ($6,8 \pm 1,0$) ёдлаб олишган, бу эса эътибор ва қисқа муддатли вербал хотиранинг меъёрий чегарадан биров пасайганлигини кўрсатади. Узок муддатли хотира кўрсаткичлари ($5,1 \pm 1,2$) ва бу вербал эсга тушириш механизми асосий гуруҳга нисбатан енгилроқ бузилганини кўрсатади.

Умумий таҳлил шуни кўрсатадики, асосий гуруҳ беморларида хотиранинг ҳам тезкор, ҳам кечиккан тарздаги компонентлари жиддий зиён кўрган, бу эса бош миянинг структураларига таъсир этувчи алкоголь ва COVID-19 инфекциясининг нейротоксик таъсири билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Визуал (кўриш) хотирани баҳолаш учун Visual Reproduction Test (WMS) беморларда ўтказилганда беморларда визуал хотира ва диққат

функцияларининг қандай даражада бузилганини аниқ кўришимиз мумкин. Асосий гуруҳ беморлари 4 та расмдан ўртача $1,6 \pm 0,7$ таси аниқ ва тўлиқ чизилган. Бу кўрсаткич қисқа муддатли визуал хотира ва диққат концентрацияси пасайганини кўрсатади. Назорат гуруҳида эса 4 та расмдан $2,4 \pm 0,8$ таси тўғри тикланган. Бу эса қисқа муддатли визуал хотира бироз пасайганини ва қайта ишлаш қобилияти сақланганини кўрсатади. Узоқ муддатли визуал хотира ўртача асосий гуруҳда ўртача $1,1 \pm 0,4$ ва назорат гуруҳида $1,7 \pm 0,8$ эканлиги аниқланди. Бу асосий гуруҳда узоқ муддатли визуал хотиранинг жиддий сусайганини ва маълумотни мустаҳкам сақлаш қобилияти заифлашганини билдиради ($p < 0,05$).

Диққатни текшириш учун Шулте жадвалидан (Trail Making Test (ТМТ) – А қисми) фойдаланилди. Ушбу текшириш усули алкоголизм ва бошқа когнитив бузилишларда тез ва самарали скрининг воситаси ҳисобланади. Ушбу текширув усули беморларда ўтказилганда асосий гуруҳда топшириш вақти назорат гуруҳига нисбатан тахминан 1,6-1,8 баробар кўпроқ ($68,4 \pm 10,8$ ва $42,4 \pm 6,2$) вақт сарфлашди. Бу эса диққатни бир нуқтада ушлаб туриш ва когнитив тартиблаш қобилиятининг бузилганини кўрсатади ($p < 0,05$).

Беморларда когнитив функциянинг асосий қисми ҳисобланган фикрлаш қобилиятини текширишда «Ортиқчасини чиқариб ташлаш» усули нейропсихологик тест қўлланилди. Асосий гуруҳ беморларида фронтал функциялар сусайгани сабабли абстракт ва мантикий фикрлаш пасайганлиги, умумлаштиришга қийналиш ва юзаки фикрлаш кузатилди. Бунда кўрсаткичлар бўйича тўғри жавоблар сони $3,6 \pm 1,2$ (10 дан), нотўғри ёки мантиқсиз жавоблар ($6,2 \pm 1,3$) ва жавоб бермаган ҳолатлар $0,6 \pm 0,3$ тани ташкил этди. Назорат гуруҳида эса тўғри жавоблар сони $5,7 \pm 1,3$ тани, нотўғри ёки мантиқсиз жавоблар ($4,1 \pm 0,9$) ва жавоб бермаган ҳолатлар $0,3 \pm 0,2$ тани ташкил этди.

Спилбергер-Ханин сўровномаси асосида баҳоланган хавотир даражалари асосий ва назорат гуруҳлари орасида солиштирилди.

Шахсий хавотир даражаси асосий гуруҳ беморларида $49,0 \pm 0,6$ балл, назорат гуруҳида эса $51,8 \pm 0,7$ баллни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар орасида статистик жиҳатдан ишонарли фарқ кузатилди ($p < 0,05$).

Реактив хавотир даражаси эса асосий гуруҳда $46,5 \pm 0,5$ балл, назорат гуруҳда $50,6 \pm 0,6$ балл бўлиб, бу ҳам $p < 0,05$ даражасида ишонарли фарқни кўрсатди.

Бундан ташқари, даража бўйича тақсимотда ҳам асосий гуруҳ беморларида оғир шаклдаги хавотир (шахсий – 33,75%, реактив – 37,5%) назорат гуруҳига (мос равишда 25% ва 25%) нисбатан юқорироқ бўлди. Бу эса коронавирус инфекциясини бошдан кечирган беморларда хавотир даражасининг сезиларли ошганлигини кўрсатади.

Депрессив бузилиш тарқалиш учун Бек шкаласидан фойдаланилди унга кўра 8,75% энгил даражадаги депрессив бузилиш, 31,25% да ўртача оғирликдаги депрессив бузилиш ва 60,0% беморда оғир даражадаги депрессив бузилиш аниқланди. Назорат гуруҳ беморларида эса 21,67% энгил даражадаги

депрессив бузилиш, 53,33% ўрта оғир даражадаги депрессив бузилиш ва 25,0% беморда оғир даражадаги депрессив бузилиш аниқланди.

Бек депрессия шкаласи асосида олиб борилган таҳлил натижаларига кўра, депрессив бузилиш даражасининг ўртача баллари гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқ билан тафовутланади. Хусусан, асосий гуруҳда (алкоголга қарамлик билан бирга соматик ва психоген омилларга эга беморлар) депрессия даражаси ўртача $29,9 \pm 0,6$ баллни ташкил этди, бу эса оғир даражадаги депрессив бузилиш ҳолатига мос келади. Бунда беморларнинг катта қисми чуқур депрессив ҳолатга тушганини кўрсатади.

Назорат гуруҳида эса (нисбатан енгил клиник кечишдаги беморлар орасида) ушбу кўрсаткич $25,0 \pm 0,7$ баллни ташкил этиб, ўртача оғирликдаги депрессив ҳолат даражасида қайд этилди. Ушбу икки гуруҳ ўртасидаги депрессия даражасидаги фарқ статистик жиҳатдан ишонарли деб топилди ($p < 0,05$), бу эса депрессив симптомлар асосий гуруҳда анча чуқур ва барқарор эканини кўрсатади.

Бизга маълумки COVID-19 инфекцияси ҳам алкоголизм ҳам бевосита жигар функциясига таъсир қилиб нормал метаболизмини бузади. Бу эса жигар энцефалопатияси деб аталувчи ҳолатга олиб келади, унда когнитив ва мия функциялари бузилади. Жигарнинг УТТ орқали аниқланган патологиялар (масалан, сирроз белгилари) когнитив бузилишларнинг сабаби сифатида қаралиши мумкин. УТТ текшируви натижаларига кўра асосий гуруҳ беморларида аниқланган патологиялар назорат гуруҳига нисбатан анча оғирроқ шаклда намоён бўлди. Масалан паренхима эхогенлиги анча ошган, тузилма бир хилда эмаслиги (20% ва 10,0%), жигар ҳажми ўзгариши (катта ёки кичрайган бўлиши мумкин) (17,5% ва 11,67%), паренхима юқори даражада эхогенлиги (18,75% ва 10,0%) аниқланди.

Жигар функциясининг бузилиши организмда токсик моддаларни (масалан, аммиак) тўпланишига олиб келади, бу миядаги нейронлар функциясини пасайтириб, когнитив бузилиш ривожланишига сабаб бўлади.

Беморларда қон биокимёвий таҳлилидаги ўзгаришлар текширилганда, асосий ўзгарган кўрсаткичлар умумий билирубин миқдори ($69,30 \pm 1,17$ ва $40,95 \pm 0,70$ ммол/л), АЛТ яъни аланин аминотрансфераза ($85,93 \pm 0,71$ ва $70,06 \pm 0,57$ ед/л) АСТ яъни аспартатаминотрансфераза ($58,99 \pm 1,09$ ва $44,16 \pm 0,47$ ед/л) ҳамда боғланган билирубин миқдори ($12,77 \pm 0,23$ ва $10,40 \pm 0,23$ ммол/л) ўзгарганлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткичлар Алкоголга қарамликда экзоген омиллар сабабли ривожланган когнитив бузилишлар диагностикаси учун муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг «Алкоголга қарамликда когнитив бузилишлар клиник ўзгаришларининг корреляцион таҳлили ва когнитив бузилишлар реабилитациясини такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи бобида, алкоголга қарамликда экзоген омиллар сабабли ривожланган когнитив бузилишлар корреляцион таҳлили, реабилитацияси усуллари ва унинг таркибий қисмлари ҳамда унинг самарадорлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Олинган натижаларга кўра, MMSE ва MoCA тестлари ўртасида кучли мусбат боғлиқлик кузатилган ($r = 0,78$, $p < 0,001$). Бу икки тест когнитив функцияни умумий баҳолашда бир-бирини тўлдирувчи восита бўлиб хизмат қилади.

MMSE (Mini-Mental State Examination) ва WMS (Wechsler Memory Scale) тестлари ўртасида кўплаб тадқиқотлар натижасида ўртача ёки кучли мусбат корреляция аниқланган, бу эса уларнинг ўлчаётган когнитив функцияларининг бир-бири билан яқин боғлиқлигини кўрсатади ($r = 0,62$, $p < 0,05$).

MMSE ва Шульте жадвали кўрсаткичлари ўртасида кучсиз мусбат корреляция $r = 0,34$, $p < 0,05$ кузатилди. Бу корреляция умумий когнитив ҳолат ва диққат функцияларининг бир-бири билан боғлиқлигини кўрсатади, аммо MMSE диққатни чуқур таҳлил қилмагани сабабли бу боғлиқлик тўлиқ эмас.

Ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра, MMSE тести ва А.Р. Лурия томонидан таклиф этилган “Ортиқчасини чиқариб ташлаш” тести кўрсаткичлари ўртасида ўртача даражадаги мусбат корреляция мавжудлиги аниқланди ($r = 0,46$, $p < 0,05$). Бу натижа шуни англатадики, умумий когнитив ҳолат (MMSE орқали баҳоланган) ва мантиқий-абстракт фикрлаш қобилияти (Лурия тести орқали ўлчанган) бир-бири билан муайян даражада боғлиқдир.

MMSE ва Спилбергер-Ханин сўровномаси - хавотир даражасини, яъни шахсининг реактив ва шахсий хавотир кўрсаткичлари ўртасида салбий йўналишдаги ўртача корреляция ($r = -0,41$, $p < 0,05$) аниқланди. Бу шуни англатадики, хавотир даражаси ошгани сари MMSE баллари пасайишга мойил бўлади.

